

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ

7ФАКУЛЬТЕТ ТЕРАПИЯ КАФЕДРАСИ

Мавзу

АТЕРОСКЛЕРОЗ

Даволаш ва педиатрия факултети 4-курс талабалари учун факультет терапия
фанидан маъруза

Урганч- 2006

Маруза матни факультет терапия фанидан Тошкент Тиббиёт Академияси
Урганч филиали марказий услубий хайъати томонидан муҳокама килиниб
(баённома №____) ва филиал илмий Кенгаши томонидан тасдикланди
(баённома №____)

МУХ раиси,
Профессор

Нуралиев Н.А.

МАЪРУЗА МАКСАДИ: Атеросклероз сабаблари, таснифи,
клиникаси, диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикасини
талабаларга етказиш.

Тарбиявий максадлар: Материални кенг ёритиб бериш йули
билан талабаларни шу муаммога кизиштириш, шу касаллик

диагностикаси ва даволашдаги охирги янгиликлар билан таништириш. Адабиётлар билан мустиқил ишлашга кизиқиш уйғотиш.

Маърузани вазифалари: ʻрганилаётган муаммонинг этиология, патогенез клиникаси, касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари ҳамда диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини актуаллигини ҳозирги замон талаби миёнасида асослаб бериш.

Муаммони долзарблиги: Атеросклероз муаммоси ички касалликлар патологиясида асосий уринлардан бирини эгаллайди. Касалликнинг кенг тарқалганлиги, кечинининг ʻзига хослиги ва диагностикадаги қийинчиликлар муаммонинг аҳамиятлилигини яна бир қарра тасдиқлаб туради.

Маъруза режаси:

Маърузани мақсади ва вазифаси	- 5 минут
Этиология ва патогенези ёритиш	- 15 минут
Классификация ва клиника	- 25 минут
Танаффус	- 5 минут
Беморни қурсатиш	- 10 минут
Лаборатор-инструментал диагностика	- 10 минут
Таъминлаш ташхиси	- 5 минут
Даволаш ва профилактика	- 15 минут
Хулоса . Саволларга жавоб	- 5 минут

АТЕРОСКЛЕРОЗ

Таърифи. Атеросклероз – артерияларнинг сурункали тизим касаллиги, унинг негизини томирлар ички деворида липидлар ва кальций тузлари йиғилиши, аниотрофи инфильтрацияси ташкил қилиб, у бириктирувчи томида ривожланишига ва, бинобарин, томирлар деворлари қаттиқлашувига ва улар бўшлигининг торайишига олиб келади. Оқибат натижада тон отимининг бузилиши содир бўлади, яъни аъзонинг тон таъминоти ёмонлашиб, аввалига дистрофик, сўнгра некробиотик ва охирида склеротик жараёнлар ривожланади. Бу патологияни ʻрганишда Н.Н. Аничков ва С.С. Халатовнинг (1912) иши муҳим аҳамиятга эга, унда тажриба йўли билан холестерин атеросклерози модели олинган эди. Гарчи Н.Н. Аничков «холестеринсиз атеросклероз бўлиши мумкин эмас» деган бўлсада кейинроқ (1933) қуйидагича ёзган эди: «Олинган бир маълумотларнинг ʻаммаси атеросклероз генезида қатнашадиган бир қанча омиллар ʻам умумий, ʻам маҳаллий аҳамиятга эга бўлган омиллар бўлиши мумкинлигини қўрсатади.» 20-йиллардаёқ У.Ослер атеросклероз ривожланишида бир неча омиллар: нотинч ʻаёт тарзи, норационал овқатланиш, ирсиятнинг аҳамияти тоғрисидаги гипотезани айтган эди.

Этиологияси. Ҳозирги вақтда атеросклероз этиологияси ва патогенези мураккаб ва ʻал қилинмаган масала бўлиб қолмоқда. Унинг ривожланишида қуйидагилар муҳим рол ўйнайди:

- алиментар омил

- овџатланиш шароитлари, овџатда холестерин ва т^ойинган ё² кислоталарига бой ³айвонот ё²и ва оџсилларнинг к^оп миџдорда б^олган овџат истеъмол џилиш
- жисмоний фаолликнинг пастлиги
- гиподинамия, кам³аракат ³аџт тарзи ва чекиш каби зарарли одатларнинг роли
- асаб-эмоционал бузилишлар
- стресс, з^ориџишнинг роли, касб-корининг а³амияти ва б.
- эндокрин ва метаболик бузилишларнинг роли
- атеросклероз ривожланадиган фон
- ё² босиш, подагра, гипотиреоз, џандли диабет кабиларнинг а³амияти
- ирсий
- конституционал мойиллик

Патогенези.

- асаб ва асаб-гуморал (жумладан гормонал) бузилишлар
 - липид ва липид-оџсил метаболизмининг ^озгариши, т^оџималар ва аџзоларда метаболизм бузилиши
 - ферментлар синтези бузилиши, фермент тизимининг шикастланиши, џон ва т^оџима липолитик фаоллигининг пасайиши
 - томир деворининг ³олати (томир омили), унинг ^отказувчанлигининг бузилиши
 - мойил џиладиган жи³атлар
- Атеросклероз ривожланишини тушунтирадиган концепциялар (А.Н. Климов)

Концепция	^о згаришлар	Таъсир характери
Плазма	Атероген липопротеидлар концентрациясининг к ^о пайиши (пребетта ва бетта липопротеидлар). Артериал босим ва џон ивиш хусусиятининг ошиши	Артериал деворга липопротеидлар оџиб келишининг ошиши. Тромб ³ осил б ^о лиши
Томирлар эндотелийси	Инфекция, токсинлар ва бошџа моддалар таъсирида эндотелиал ³ ужайраларнинг шикастланиб ва џисџариб, ³ ужайралар аро б ^о шлиџлар катталашувига олиб келади	Артериал девор ^о тказувчанлигининг ошиши
Интима	Интиманинг б ^о киши ва гиперплазияси	Артериал девор ^о тказувчанлигини ошиши ва липопротеидлар т ^о хталиб џолиши

Эластик мембрана	Мембрана деструкцияси ва парчаланиши ҳамда узилиши	Ўшанинг узи
Медия	Силлик мушак хужайралари пролиферацияси. Мушак хужайралари метаболизми пасайган.	Липопротеидлар тухталиб қолиши. Липопротеидлар ва липидлар метаболизми секинлашуви.
Адвентиция	Лимфатик дренаж ва функцияси бузилиши. Семиз хужайралар микдорининг камайиши	Липопротеидлар оқиб кетишининг пасайиши

Патологик анатомияси.

Артериялар атеросклерози – хусусий, бироқ артериялар склерозининг уз тарқалиши ва клиник аҳамиятига қараганда энг муҳим формаси бўлиб, у липид алмашинувининг бузилиши ва қўп аъзоларда органик узгаришларга олиб келадиган асосан эластик типдаги артерияларнинг зарарланиши билан характерланади. Қуйидаги узгаришлар кузатилади:

- жараённинг жойлашган урнига қараганда йирик томирларда дистрофик, склеротик узгаришлар
- атероматоз пиллакчалар
- деформация, томирлар эластиклиги пасайиши, атероматоз яралар
- тромбозлар, томирлар бўшлиқининг торайиши ёки бекилиб қолиши, некроз учоқлари, кардиосклероз, бирламчи бўлмаган буйраклар белгилари.

Атеросклерознинг **клиник манзараси** турли-туман ва ноаниқ ва шаклига – касаллик даврига (клиник белгиларига қараганда булган давр, клиник давр), босқичига (ишемик, тромбонекротик, склеротик) ва жараённинг асосан қарадиганига (тож томирла, аорта, бош миёна томирлари, буйраклар, улка атеросклерози ва ҳ.к.) боғлиқ.

АТЕРОСКЛЕРОЗ ТАСНИФИ

Патогенетик шакли	Касаллик давлари ва босқичлари	Жойлашган урни
Вазомотор бузилишларнинг устунлиги билан	1. Бошланғич, клиник давргача булган давр (липоидлар ва липопроteinлар таркибида вазомотор бузилишлар бўлади) 2. Клиник давр: I босқич – ишемик (аъзода атеросклеротик узгарган томирдан қон таъминоти бузилиши натижасида унда дистрофик белгилар бўлиши). II босқич – тромбонекротик (аъзода атеросклеротик узгарган томирлар тромбози натижасида инфаркт пайдо бўлиши) III босқич – склеротик (аъзода томирлар атеросклерози заминидан чандикли узгаришлар бўлади)	Атеросклероз жойлашган жой аниқланмайди

Метаболик бузилишлар устунлиги билан		
--	--	--

СУБЪЕКТИВ МАЪЛУМОТЛАР.

Шикоятлар:

- юрак, кукрак, туш оркаси сохаларида огрик, баъзан стенокардия типи буйича иррадиация билан
- бошда огрик ва огирлик хисси, бош айланиши, кулок шангиллаши
- оёкларда огрик ва мадорсизлик
- коринда ноаник огрик, корин дам булиши
- юрак уриши, юрганда ёки тинч турганда нафас кисиши
- эшитиш, хотира, куриш кобилиятларининг сусайиши
- уйку бузилиши, иш кобилиятининг пасайиши

ОБЪЕКТИВ МАЪЛУМОТЛАР.

1. Куздан кечириниш: Беморнинг умумий ахволи, уриндаги вазияти, касаллик боскичи ва асоратлар борлигига боғлиқ, беморлар ёшига нисбатан катта куринадилар, терисини ажин босган, курук, атрофик, сочлари барвақт тукилади ва окаради, майда веналари кенгаяди, айрим артериялари эгри-бугри ва ушлаб курилганда кулга каттик уннайди, кузларидаги ялтирок жозиба пасаяди, лабларида цианоз, тинч турганда нафас кисиши ва юрак декомпенсациясида шишлар булиши мумкин.

2. Тож томирлари атеросклерози сурункали тож томирлар етишмовчилиги курилишида юзага чикади: юрак сохасида огрик, стенокардия, юрак уриши, нафас кисиши.

3. Атеросклеротик кардиосклероз:

- тож томирлар етишмовчилиги
- миокард кискариш кобилиятининг бузилиши – юрак етишмовчилиги (чап ёки унг коринча ёки тотал юрак етишмовчилиги)
- юрак мароми ва утказувчанлиги бузилиши (экстрасистолия, титрок аритмия, турли даражалардаги юрак блокадаси ва б.).

4. Аорта атеросклерози:

- кукрак атеросклерози: аорта катталашуви ва пульсацияси, аорта устида акцент ва систолик шовкин, у кулни юкорига кутаришда кучаяди – Сиротинин-Кукаверов симптоми, юрак чегараларининг чапга кенгайиши;
- корин атеросклерози: коринда ноаник огриклар, метеоризм, диспепсия, корин аортаси зичлашуви ва пульсацияси, унинг устида систолик шовкин.

5. Бош мия томирлари атеросклерози: бош огриши бош айланиши, хотира сусайиши, акл пастлик, куллар тремори, нутк ва хатнинг, куз тубининг узгариши, тромбоземболик асоратларнинг белгилари ва б.

6. Артериялар атеросклерози.

- буйраклар артериялари атеросклерози: буйракларнинг зарарланиш симптомлари – протеинурия, микрогематурия, цилиндрурия, симптоматик гипертензия, нефроангиосклероз, буйрак декомпенсацияси белгилари
- ичактуткич артериялари атеросклерози – корин дам булиши, ноаник огриклар, ичакдан кон кетиши, ичак тутилиши белгилари ва б.

7. Оёк томирлари атеросклерози: оёк панжаси бармоклари, болдир мушакларида огрик, сезувчанликнинг пасайиши, пульс йуқолиши, дамбадам оксокланиш симптоми, маҳаллий гипотермия, яралар ҳосил булиши ва б.

Тожсимон артериялар атеросклерозида патологоанатомик узгаришлар ва клиник белгилар

Даврлари ва боскичлари	Патологоанатомик узгаришлар	Клиник белгилари
Биринчи давр (яширин, клиник давргача булган давр)	—	Ангиоспазмлар. Липоидлар ва липопротеинлар таркибидаги узгаришлар
Иккинчи давр (клиник белгилари): I боскичи – ишемик II боскичи – тромбонекротик III боскичи склеротик (фиброз)	Миокард дистрофияси Миокарднинг майда учокли некрозлари, уткир миокард инфаркти, сурункали миокард инфаркти Атеросклеротик кардиосклероз	Зуриқиш стенокардияси. Электрокардиографик узгаришлар (S–T ва T). Юрак етишмовчилиги I даражаси Яхши маълум Юрак етишмовчилиги I, II, III даражалари, титрок аритмия, утказувчанлик- нинг бузилиши ва бошқа маълум симптомлар

III. ЛАБОРАТОРИЯ, ИНСТРУМЕНТАЛ ВА БИОКИМЁВИЙ ТЕКШИРИШЛАР МАЪЛУМОТЛАРИ

- умумий сийдик тахлили - уртача протеинурия, микрогематурия, камрок цилиндруря, гипоизостенурия ва буйрак артериялари атеросклерозидаги бошқа белгилар;
- липид алмашинуви – гиперхолестеринемия, фосфолипидлар миқдори ошиши, фосфолипидлар ва холестерин, лецитин ва холестерин нисбатининг бузилиши ва б.
- оксил алмашинуви – умумий оксил ва унинг фракциялари ҳолати – альфа глобулинлар ҳисобига глобулинлар миқдорининг ошиши, альбуминлар даражаси камайиши, альбумин-глобулин коэффиенти пасайиши ва б.
- протромбинга кон тахлили – протромбин индекси ва вакти, протромбин миқдори ошиши тромб ҳосил булишига мойиллик келтириб чиқарадиган омил ҳисобланади;
- коннинг ивиш системаси ва ивишга қарши системаси омилларини текшириш;
- текширишнинг инструментал методлари – реовазография, аортаграфия, буйрак артериялари ангиографияси, коронарография ва бошқалар;
- жараённинг жойлашган урнига қура рентгенологик текшириш;
- тож томирлар атеросклерозида ЭКГ текшириш – кардиосклероз, гипоксия, миокарддаги ишемия, тишчалар волтажи пасайиши, P-Q ва QRS интерваллари

узайиши, ST сегменти силжиши, хар-хил даражадаги блокада, экстрасистолия, титрок аритмия.

АСОРАТЛАРИ: миокард инфаркти, кардиосклероз, ритм бузилиши, юрак етишмовчилиги, инсульт, психоз, шахс дегротацияси: нефроангиосклероз, буйрак етишмовчилиги; ичак инфаркти, кон кетиши, ичак тутилиб колиши, оёк бармоклари гангренаи ва бошка тромбоэмболик асоратлар.

КИЁСИЙ ТАШХИС: гипертония касаллиги билан, вегетатив – томирлар дистонияси, келиб чикши хар-хил миокардиодистрофиялар, тож томирларга алокадор булмаган кардиопатиялар, юракнинг ревматик зарарланиши, тугунчали переартериит ва бошка систем каллогенозлар, юрак ва йирик томирларнинг захмли зарарланиши, климакс, Базедов касаллиги, айрим буйрак касаллиги билан киёслаш керак.

ДАВОЛАШ:

1. Чекиш ва алкогольни суистеъмол килмаслик.
2. Фаол хаёт тарзи; жисмоний тарбия, сузиш, организмни чиниктириш, уйкуни тартибги солиш, рационал овкатланиш тартибига риоя килиш.
3. Дори дармонлар билан даволаш;
 - гиполипидемик дори воситалари
 - йод препаратлари
 - эстрогенлар- фолликуллин, эстрадиол
 - калконсимон без гармонлари (тиреоидин)
 - витаминлар – PP, B1, B6, B12, B15, E, C
 - томир кенгайтирувчилар – папаверин, платифиллин
 - нитро препаратлар: нитранол, сустак-форте, эринит
 - седатив дорилар (барбитуратлар)
 - диуретиклар
 - антикоагулянтлар

АМАЛИЁТДАН МИСОЛЛАР:

ДЕМОНСТРАЦИОН МАТЕРИАЛ:

Мавзу буйича мультимедияда слайдлар сурати курсатилади.

Мавзу буйича 1 та бемор тахлил килинди.

ХУЛОСА. Маъруза охирида утилган мавзу буйича киска хулоса килиниб, атеросклерозни клиникаси, кушимча текшириш усуллари, фаркли диагноз утказиш ва даволаш усуллари тугрисида маълумот берилади.

АУДИТОРИЯГА САВОЛЛАР. Маърузада касалликни тушунтириш пайтида талабаларни тулик тушуниши учун хар хил саволлар бериб, биргаликда жавоб топиш ва кушимча маълумотлар бериб мавзунини мустахкамлаш зарур.

АДАБИЁТЛАР:

1. Внутренние болезни. Маколкин В.И., Овчаленко С.И., Москва, Мед-на, 1994

2. Ички касалликлар, Камолов И.Н., Куйлиев М.У., Тошкент, 1994
3. Ички касалликлар, Шарапов У.Б., Гаффарова Ф.И, Шодмонов У.И., Тошкент, 1994.
4. Внутренние болезни. Камаров Ф.И., Сметиев А.С., Москва, 1996
5. Справочник врача общей практики. Дж.Мерт, Нью-Йорк, 1996
6. Терапия. Ален Р.Мейерс, М.Д. Москва, 1997
7. <http://www.meddean.luc.edu>

Энциклопедия обследования больного со множеством иллюстраций, краткое описание болезней, тестирование.

8. <http://www.embbs.com>

Истории болезни, обучение, атлас по КТ, ЭКГ и др.